УДК 37.01

ЗАМОНАВИЙ УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Н.А.Отаханов

Мақолада замонавий алоқа воситалари ҳамда ижтимоий сайтлардан ноўрин ва узоқ вақт мобайнида шуғулланиш ёшларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий камолотига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирлар муҳокама қилинган. Ўз фарзандларига замонавий алоқа воситаларини бериб, улардан фойдаланишини назорат қилмайдиган ота-оналарни "ўзи ўтирган шох"ни арралаётган Афандига қиёсланади. Мақола сўнгида ота-оналар учун ёшларни бундай таъсирлардан ҳимоя қилиш учун бир қатор тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: *ёшлар, тарбия, уяли алоқа воситалари, интернет, ижтимоий сайтлар, СМС, ғарб маданияти, бузғунчи иллатлар, иммунитет.*

В статье обсуждаются негативноее влияние продолжительного и неуместного использования современных средств сотовой связи и социальных сетей на физическое, нравственное и духовное развитие подрастающего поколения. Автор сравнивает родителей, обеспечивших своих детей современными средствами сотовой связи и не осуществлявщих регулярный контроль за их использованием с Насриддином Афанди, пилящим сук на котором он сидит. В конце статьи приведен ряд рекомендаций для защиты детей от таких вредных влияний.

Ключевые слова: *молодёжь, воспитание, сотовые средства связи, интернет, социальные сайты, СМС, западная культура, разрушительное влияние, иммунитет.*

Ўзи ўтирган шохни арралаётган Афанди ҳақидаги латифани эшитмаган одам бўлмаса керак. Бу латифани эшитиб, "Ҳа, энди бу латифа-да, ахир ҳаётда бундай бўлмайди-ку" деб мийиғида кулиб қўядиган кишиларнинг кўпчилиги бугунги кунда ўзини ана шу Афандига, арра эса уяли алоқа воситаларига айланган бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмаслиги табиий.

Биз ушбу мақолада замонавий уяли алоқа воситаларининг ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, келажаги, жисмоний ва руҳий қобилиятларига таъсирини муҳокама қилишга уриниб кўрамиз.

Бугун биз XXI асрда, яъни ҳаёт тарзи тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ва глобаллашув жараёнларини бошидан кечираётган технология даврида яшамоқдамиз. Шиддат билан чуқурлашиб бораётган дунёнинг глобаллашуви, содда қилиб айтганда, бунда кечаётган жараёнлар деярли барча мамлакатларни қарийб бирдек қамраб олмоқда. Бу ўринда ахборотлар борган сари муҳим моддий ва маънавий аҳамият касб этиб бормоқда. Бу ахборотларни олишнинг энг қулай воситаси бўлиб, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлаб чиқилган компьютер ва уяли алоқа воситалари ҳисобланади.

Афсус билан тилга олиш лозимки, инсониятнинг бундай ютуғидан ер юзида парокандалик ва бузғунчилик илдизларини орттириш мақсадида ҳам фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Глобаллашув шароитида эълон қилинмайдиган ахборот уруши ёрдамида миллий ўзликдан воз кечишга чақириш орқали ғарб маданиятини ёшлар онгига сингдириш ҳаракатлари кузатилмоқда. Тарғиб қилинаётган миллатчилик, экстремистик ва террористик ғоялар одамларнинг эртанги кунги ишончига путур етказибгина қолмасдан, балки халқаро миқёсдаги муаммоларни, жумладан, турли диний эътиқод вакиллари бўлган халқлар ҳаттоки цивилизациялар орасидаги ўзаро ишончга соя ташламоқда, жаҳон тараққиётининг тамал тоши бўлган халқаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Ҳар бир ота-она фарзандларининг ўз тенгдошларидан кам бўлмаслиги учун ҳамма нарсани муҳайё қилишга тайёр. Бугунги кунда мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг асосий қисмида борган сари кўпайиб бораётган ранг-баранг ва замонавий уяли алоқа воситалари (ноутбук, нетбук, планшет, турли русумдаги телефон аппаратлари, телефон аксессуарлари ва бошқалар) ана шундай "меҳрибонлик" кўринишларидан бири ҳисобланади. Буни кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини ҳозирги вақтда қаерда ва нима ишлар билан банд эканликларини аниқлаш, заруратга кўра ахборот алмашиш каби имкониятлар билан боғлашади. Биз ўқувчилар қўлидаги уяли алоқа воситаларининг бундай яхши томонларини бир четга қўйган ҳолда бошқа жиҳатларини муҳокама қилишга уриниб кўрамиз.

Маълумки, инсон организмининг ривожланиш жараёни 25-27 ёшгача давом этиб, орадан ўтган давр мобайнида олган турли кўринишлардаги таъсирлари инсоннинг кейинги ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон организмининг қайси аъзоси маълум бир муддат ишламаса ёки кам ишласа, шу аъзо аста-секинлик билан ўз функциясини "унутади".

1. Уяли алоқа воситаларидан сурункали ва узоқ муддат шуғулланувчи ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари пасайиб кетади. Интернетдан олинган маълумотларга қараганда, айрим ёшлар кунига 4-6 ва ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ вақт давомида компьютер ва уяли алоқа воситалари билан шуғулланар экан. Айни жисмоний ҳаракатларни кўп бажариш эвазига ўсиши, чиниқиши ва ривожланиши лозим бўлган бундай ёшлар узоқ муддат ўтириб ишлаш ҳамда жисмоний машқларни кам бажариши ҳисобига иммунитет пасаяди, суяклар мўрт бўлади, жисмоний заифлик шаклланади, букчайиб ёки ётиб олиб ишлаш ҳисобига скелет тизимида салбий ўзгаришлар кузатилади.

Россия ФА Биохимик физика институти ходимлари томонидан 1161 ўқувчидан иборат УАВ фойдаланувчилари гуруҳи ҳамда 370 боладан иборат назорат гуруҳи устида тадқиқотлар олиб борилди. Ўтказган тадиқотларга кўра, УАВ дан фойдаланувчилар гуруҳида назорат гуруҳига қараганда эшитиш, кўриш ва реакция кўрсатиш даражаси паст бўлган, назорат гуруҳига нисбатан бу гуруҳда чарчаш кўрсаткичи 39,7% пасайган, 50,7% болаларда эса иш қобилияти камайган [1].

2. Планшет, айфон, смартфон каби уяли алоқа воситаларининг ўзидан турли частотадаги электромагнит тўлқинларини тарқатиши ва уларнинг ўсиб келаётган ёш авлоднинг, содда қилиб айтганда, ҳали суяги қотмаган (балоғатга етмаган) ва телефонда кўп гаплашадиган ёшларнинг организмига, айниқса, мия ҳамда ақлий қобилиятларига салбий таъсир кўрсатиши ҳаммага маълум. Электромагнит тўлқинлари болаларнинг мия тўқималарига таъсир қилади ва бу билан уларда рак касаллигини келтириб чиқариш учун замин тайёрлайди.

Америка онкология маркази (ACS) сайтидаги эълонга кўра мия, бош ва бўйин соҳасида шишлар пайдо бўлиши хавфи мавжуд экан. Юқори даражали интенсивликда радиотўлқинлар инсон жисмининг ўзига яқин турган қисмини қиздиради. Микротўлқинли печлар айнан ана шу тамойил билан ишлайди. Телефон аппаратидан узоқлашган сари радитўлқинларнинг кучи пасайиб боради.

Саломатликка УАВлари хавфини баҳолаш учун олимлар фойдаланиш жараёнида электромагнит энергиясининг инсон жисми тўқималари томонидан ютилишининг солиштирма коэффициенти (Specific Absorption Rate - SAR)ни ишлаб чиқишган. Бу кўрсаткич телефон маркаси ва моделига боғлиқ бўлиб, меъёр тариқасида гавданинг 1 кг га 0,60 ваттдан ошмаслиги лозим [2].

Ўсиб келаётган ёш авлод катталарга қараганда ташқи таъсирларга, жумладан, мобил телефонлар тарқатадиган нурланишларга сезгир бўлади. Соф тижорат нуқтаи назаридан фойдаланувчилар сонини ошириш мақсадида янги технологияларни иложи борича кичикроқ ёшдаги болаларга мўлжалланмоқда.

УАВ тарқатадиган микротўлқинли нурланишлар ёш болалар, айниқса, ҳомила учун хавфли ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра болаларнинг мия тўқималари электромагнит тўлқинларни катталарга қараганда 10 марта кўпроқ ютар экан [3].

Америкалик тадқиқотчиларнинг (Gandhi, O., Lazzi G., Furse C.) баён этишича, катта одамларнинг миясига электромагнит тўлқинларининг сингиш чуқурлиги 37 мм (тахминан бош миянинг 15% ини қамраб олади). Бу кўрсаткич ёш болаларда анча катта миқдорни ташкил қилиб, бош миянинг 50 %, ўсмирларда эса 60 % ни қамраб олади. Демак, телефонда узоқ муддат гаплашадиган болаларнинг бош мияси амалда тўлалигича электромагнит тўлқинлари таъсирида бўлади ва бу ҳолатга организмнинг "физиологик жавоб қайтариши" муқаррар [1].

Европанинг бир қатор давлатлари болалар томонидан УАВ дан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқилган. Унга кўра УАВ ишлаб чиқариш корхоналари мобил телефон аппаратларининг гавдадан минимал хавфсизлик масофаси ҳамда ўзидан тарқатадиган SAR ни кўрсатишлари шарт. iPad, ноутбук ва планшетлар учун энг яқин масофа 20 см бўлиши шарт.

Ҳаттоки телефонда гаплашмаётган бўлса ҳам, улар ўзидан нурланиш чиқаради. Шунинг учун уларни гавдага яқин (масалан, чўнтакда), ҳомиладор аёллар эса қоринга яқин жойда, сақламаслик лозим. Яхшиси, уларни сумка ёки ҳамёнда сақлаган маъқул. Болалар ётоқхонасида УАВ ларнинг бўлиши умуман тавсия этилмайди.

Пью тадқиқот маркази (Pew Research Centre, АҚШнинг Вашингтон штати) хулосаларига кўра 75% болалар мобил телефонларини кун бўйи олд чўнтакларида олиб юрадилар. Бу ҳолат уларнинг репродуктив саломатлигига таъсир қилиб, айниқса, ўғил болаларнинг жинсий ривожланишига хавф солади, қиз болаларда эса кўкрак ракининг ривожланиши учун замин тайёрлайди [3].

Албатта, электромагнит тўлқинларининг салбий таъсирлари бирданига билинмайди, аммо олимларнинг фикрларига кўра маълум бир муддатдан сўнг "ўз сўзини айтади". Одатда, катталар

буни яхши билса-да, аксарият ҳолларда “бу ҳолат менинг фарзандим учун эмас, бошқалар учун айтилган бўлса керак” деб ўйлайдилар ҳамда бундай ҳодисаларни сезмаслик ва эшитмасликка астойдил ҳаракат қиладилар.

3. Замонавий уяли алоқа воситаларининг ўлчамлари борган сари кичрайгани ҳолда ёшларни ўзига жалб қила оладиган “ақлли технологиялар” (функциялари) кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат ёшларда ақлий меҳнатни тўла инкор қилган ҳолда ёшларда “унча-мунча амалларни” бармоқларнинг енгил ҳаракатлари ёрдамида бажариш ҳиссини шакллантиради. Натижада уларда “оғзаки ҳисоб”га эҳтиёж йўқолади, хотира жуда кам миқдорда ишлайди (тўғрироғи, умуман ишламайди). Болалар учун бундай технологияларнинг зарарли томони шундаки, улар билан ишлаш учун болалардан ҳеч қандай фикрлаш талаб қилмайди, бармоқларни экран устида керакли томонга ҳаракатлантириш кифоя. Бунинг оқибатида болалар фикрлашдан тўхтайди. Япониялик олимлар ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уч ойдан ортиқ муддатда бирор мантиқий иш билан шуғулланмаган инсон миясининг фаол ишлайдиган 20 нуқтадан 10 тасида кескин пасайиш кузатилар экан. Шунинг учун бундай ёшларда муайян воқеаларга объектив ёндашиш, муносабат билдириш учун тезкорлик етишмайди, ҳар қандай ҳодисани ўз вақтида ва реал баҳолаш учун идрок етишмайди.

Бу ҳолат ақлий фикрлаш қобилияти ҳамда хотиранинг сусайиб кетишига олиб келади. Натижада болалар масалаларни қийналиб ечади, иншони ёмон ёзади, матнларни ёдда сақлаб қола олмайди. Бундай хотирани аслига қайтариш замонавий медицинанинг жуда ҳам мушкул масалалардан бири ҳисобланади.

4. Планшет ва уяли алоқа воситалари экрани кичик бўлгани учун ундаги маълумотлар майда ҳарфлар билан кўрсатилади. Буни ўқишга ҳаракат қилган болаларда кўз зўриқиб ишлайди ва тезда чарчаб қолади. Бундай экран билан кўп ишлаш натижасида болаларнинг кўриш қобилияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар юзага келади, кўриш даражаси аста-секин пасаяди.

5. Уяли алоқа воситалари ёшларни бир жойда узоқ муддат ҳаракатсиз ўтиришга “мажбур қилади” ва бунинг оқибатида ёш организмда моддалар айланиши, овқатланиш ва дам олиш режимлари бузилади, асабий бўлиб қолади, жисмоний имкониятлари пасаяди. АҚШ олимларининг таъкидлашича, америкалик мактаб ёшидаги болаларнинг ҳар учтадан биттаси ортиқча вазнга эга ва улар ўз ёшларига хос бўлган жисмоний машқларни бажаришга қодир эмас. Бундай ёшларнинг саломатлигида ортиқча вазн билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Тадқиқотларга кўра, болаларнинг компьютер ва телефон аппаратлари устида сурункали узоқ муддат “ишлаш”и мазкур муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлаётган экан.

Бундай муҳитда ўсган ёшларнинг 10-15 йилдан кейинги тақдирини башорат қилиш мушкул вазифа. Шу ўринда Apple компаниясининг асосчиси бўлган Стив Жобс ўз фарзандларига овқатланиш вақтида, кечаси ва дам олиш кунлари уяли алоқа воситалари ва компьютерлардан фойдаланишни тақиқлаганини ёдга олиш мумкин [4].

Замонавий уяли алоқа воситаларнинг деярли ҳаммаси интернет билан ишлаш имкониятига эга бўлганлиги учун аллақачон абонентларни “гаплаштириб қўйиш”дек асосий вазифасини иккинчи даражага суриб, ёшларни ижтимоий сайтларга бирлаштиришни биринчи даражали вазифага айлантирган қуролга айланиб улгурди, десак адашмаймиз.

Кузатишларга қараганда, ҳозирги кунда интернет тизимларидан ўрин олган ижтимоий сайт мухлисларининг 60 фоизи ёши 21 гача бўлган йигит ва қизлардан иборат бўлиб, уларнинг ижтимоий сайтлар билан шуғулланиш учун бир кунда сарфлайдиган ўртача вақтлари 2 соатдан ортиқ экан [5]. Бу ҳолат ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган маълумотларнинг асосий истеъмолчилари ана шу ёшлар эканлигидан далолат беради. Демак, ижтимоий тармоқлар асосий фойдаланувчиларининг каттагина қисмини дунёқараши ҳозирча тўла шаклланиб улгурмаган, етарлича ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, эҳтиросларга берилувчан ёшлар ташкил қилар экан.

Россиянинг WebCanape компаниясининг хабар беришича [6], 2019 йил якуни статистикасига кўра дунёда 5,11 млрд мобил алоқа фойдаланувчилари мавжуд, ижтимоий сайтларда 3,48 млрд аъзо қайд қилинган. 3,26 млрд киши ижтимоий сайтларга мобил алоқа воситалари орқали кирадилар.

Дунё бўйича одамлар онлайн режимида кунига ўртача 6 соат 42 минут, (Россияда – 6 соат 29 минут) ишласа, мобил телефондан фойдаланувчилар 48 % вақтини ижтимоий тармоқларга сарф қиладилар.

Ҳар ойда 92 % фойдаланувчилар видео кўрадилар. Демак, улар орасида дунё бўйича 4 миллиард киши (улар орасида сизнинг фарзандингиз ҳам бўлиши мумкин) онлайн-видео-контент истеъмолчилари ҳисобланади.

Ижтимоий сайтлар аудиториясида 12-24 ёшгача бўлган фойдаланувчилар Вконтакте – учун 92 %, Instagram учун - 73 %, Facebook – 36 %, Одноклассники – 34 % ни ташкил қилади [7].

Одатда ижтимоий сайтлар қандайдир маънодаги қизиқишлари бир хил бўлган одамларни битта гуруҳга жамлаш ҳамда улар ўртасида матн, тасвир, аудио ёки видео шаклидаги қисқа маълу-

мотларни айрибошлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шундай бўлса-да, дунёда мавжуд ғаразли ниятдаги кишилар томонидан ташкил қилинган гуруҳлар маълумот тарқатишда асосий аудиторияси дунёқараши ҳозирча тўла шаклланиб улгурмаган ёшлардан иборат бўлган ана шу ижтимоий сайтлардан фойдаланишмоқда. Бундан кўринадики, қўлида уяли телефони бўлган ҳар бир ўқувчи бугунги кунда Fecebook, odnoklassnik, twitter, telegram ва бошқа ижтимоий сайтларга кириши ва улардаги гуруҳларнинг фаол аъзоларидан бирига айланиши мумкин.

Ижтимоий гуруҳларнинг бир қисми “Ғарб маданияти” деб аталмиш маданиятни тарғиб қилишга мўлжалланган. Унинг миллий ва диний одатларимизга мос келмайдиган айрим томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Болаларнинг онгига мактаб ва боғчаларнинг илк кунларидан бошлаб, улар энди мустақил шахс эканликлари, катталардан ҳеч кимнинг (ота-онаси, бобоси ва момолари, устозлари ва бошқалар) уларга таъсир ва тайзиқ ўтказиши мумкин эмаслиги, ихтиёрий масала бўйича ўзларича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги ва бу борада ҳеч ким билан маслаҳатлашишлари шарт эмаслиги каби ғоялар сингдирилади. Болаларнинг қабул қилган ҳар бир қарори бошқаларнинг ҳар қандай қароридан устун қўйилади. Бундай шароитда тарбия олиб, балоғатга етган ёшлардан давлат ва жамият келажакда нималарни кутиш мумкин?

2. Таълим жараёнида ўқувчиларга жинсий ҳаётнинг барча элементлари таълимнинг турли воситалари (босма адабиёт, тасвир, аудио ва видеолар шаклида) кенг ўқитилади ва тарғиб қилинади. Жуда ҳам эрта ёшдан бошлаб бундай ҳаётни кўриб ва эшитиб ўрганган ёшларда аста-секин бошқа жинс вакилларига бўлган қизиқиши йўқолади, натижада жинсий ожизлик шаклланади ва бу ҳолат демографиянинг пасайиши ҳамда оилавий муносабатларда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлади.

3. Кичик ёшдан бошлаб болаларга, уларнинг жинсидан қатъи назар, ўз ихтиёрига кўра ўйин, ўйинчоқ ва кийимларни танлашга рухсат берилади ва бу жараёнга катталарнинг аралашувига ҳеч қандай йўл қўйилмайди. Айрим ўғил болалар қизларга ва, аксинча, қизлар ўғил болаларга хос бўлган кийим, ўйин ва ўйинчоқларни танлайди ва улар билан машғул бўлади. Табиийки, бундай танлов оқибатида ёш болаларда бошқа жинс вакилларига хос одатлар шаклланади. Кейинчалик бундай ёшлар орасида жинсини алмаштириш истаги пайдо бўлади, бир жинсли никоҳ учун йўл очилади. Ғарбда ЛГБТ (лесбианлар, гейлар, бисексуал, трансгендер) аталувчи оқим шаклланиб, ундаги ёшлар улушининг борган сари ортиб бораётгани ҳамда бир жинсли никоҳларнинг тез-тез қайд қилинаётганлиги ҳаммага яхши маълум.

Қайси ўзбек ота-онаси ҳозирча дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ўз фарзандларида ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган ва ғарб давлатлари учун одатий ҳолатга айланиб улгурган бундай “маданият уруғлари”ни ўсиши ва ҳосил беришини хоҳлайди?

Ижтимоий сайтлар билан ишлашнинг яна бир ёмон томони борки, унда ишлаётган ҳар бир фойдаланувчи реал вақт, ҳис-туйғу ва имкониятларини баҳолашни унутади. Бунга келаётган “СМС” ларга ўз вақтида жавоб ёзиш, блоггерлар билан мулоқот, ҳар хил челленджларга тақлид қилиш ёки интерент орқали берилиб ўйналадиган (қимор ёки шунга яқин мазмундаги) ўйинларда рекордни янгилашга интилиш ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлади. Бундай ҳолат ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ўртасида “компьютер ёки телефонга боғланиб қолиш” каби янгича васваса касалликларининг шаклланишига олиб келиши мумкин. Натижада бола ўз ҳаётини уяли алоқа ёки компьютер воситаларисиз тасаввур қила олмайди. Қўлларидан тортиб олинганда эса ўз ҳаётига қасд қилиш даражасигача бориши мумкин. Шу ўринда Хитойда бундай касаллик билан “оғриган” 200 мингдан зиёд ёшлар мажбурий даволаш масканларида сақланаётганлигини эътироф этиш мумкин.

Уяли алоқа воситаларининг яна бир ёмон жиҳати ўқувчи ва талабаларнинг билим олиши чоғида, тўғрироғи, дарс вақтида намоён бўлади. Улар ўқитувчининг “кўзини шамғалат қилиб”, телефон аппаратларини қўлга олишади, бир-бирларига СМСлар жўнатишади, латифа ўқишади, ижтимоий сайтларни варақлашади, ўзларига келган хатларга жавоб ёзишади, видео томоша қилишади ва ҳоказо. Натижада машғулот хонасида пичир-пичирлар кучаяди, ҳиринг-ҳиринглар пайдо бўлади ва шу сабаб ён-веридаги ўқувчиларнинг ҳам диққати бўлинади. Ўқитувчи бундай ҳолатларда хонада тартибни сақлаш учун кўп марталаб “мажбурий антракт ёки танаффуслар” қилишига тўғри келгани учун дарс сифати пасаяди. Бундай шароитда олинадиган билимнинг чуқур бўлмаслиги ҳаммага аён.

СМС ёзишдаги шошма-шошарлик, ўқувчилар учун “бўлаверади” қабилида жўнатиладиган имло хатоларга тўла хабарлар одатий ҳолга айланиб улгурди. Ижтимоий саҳифалардаги “мани каналимга қошилийла, ҳоҳламасейла чиқиш қийинмас”, “болла, буни кўрийла, қоганларга тарқатийла”, “качок боллага юворина” каби таклифлар бунга гувоҳлик бериши мумкин. Бугунги кунда шева ва жаргон сўзларни аралаштириб, ўзбек адабий тилидан йироқлашиб кетишиш ҳолатлари

умумий саводхонликнинг пасайганлигидан далолат бермоқда.

Ҳар куни ижтимоий сайтларда ҳар хил “приколлар”ни кўриб одатлангани учун болаларда бачканалик ҳисси одатий ҳолатга айланади, тақлидчилик (челлендж), ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини ўйламаслик кайфияти шаклланади. Табиат ва жамиятда бўлаётган ўзгаришларга, ён-атрофидагиларга, ҳаётга нисбатан юзаки қараш ва бефарқлик пайдо бўлади. Бугунги кунда ёрдамга муҳтож кишиларга (масалан, табиий офат, ёнғин, автоҳалокат ва ҳ.к.) кўмак бериш ўрнига уларни видеотасвирга тушириб, интернетга ташлаш орқали “клик” орттираётган ёшлар бунга ёрқин далил бўлиши мумкин.

Ҳаётда учрайдиган уяли телефон билан боғлиқ бўлган бундай муаммоларни яна давом эттириш мумкин. Миллий ва диний урф-одатларимизга зид маълумотларни тайёрловчи ва тарқатувчи интернет сайтлари ташкилотчиларини бир четга қўйинг-да, ана шу муаммоларни юзага келишига шароит яратиб бераётган ота-оналарнинг юқорида келтирилган Афандидан нима фарқи бор?

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳам айнан шу мақсадда ўзларининг беш ташуббусларини илгари сурдилар [8]. Унда таъкидланишича, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Мазкур ташаббусда ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш ва шу орқали уларда ахборот маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки замонавий ёшларимиз қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитети ҳам шунча кучли бўлади.

Маълумки, ҳар қандай давлат ёки жамиятнинг келажаги, истиқболи ва равнақини янада юксалтириш ёшларнинг қўлидадир. Лекин турли бузғунчи оқимларга аъзо бўлган ақидапарастлик мафкураси билан суғорилган ёшларнинг қўлига ўтадиган давлат, жамият ёки оила қандай аҳволга тушиши мумкинлигини кўз олдига келтириш қийин эмас. Шунинг учун ёшларни асраб-авайлаш ҳамда юқорида келтирилган бузғунчи иллатлардан ҳимоя қилишимиз зарур.

Биз бу борада “болаларга замонавий компьютерлар ёки уяли алоқа воситаларини олиб бермаслик ёки уларга ижтимоий сайтларга киришига йўл қўймаслик керак”, демоқчи эмасмиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимиз онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунга кирма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз” [9. Б. 71], деб таъкидганларини ёдга олиш мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар [10]дан келиб чиққан ҳолда ота-оналарга қуйидагиларни тавсия қилишимиз мумкин:

1) болаларга жуда ҳам зарур бўлган ҳолларда-гина энг сўнгги моделда бўлмаган уяли алоқа воситаларини олиб бериш. Бу воситаларнинг функциялари қанча кам бўлса, болаларнинг келажаги учун шунча яхши;

2) борди-ю, болалар қўлида замонавий русумли уяли алоқа воситалари мавжуд бўлса, уларни бу воситалар билан ишлаш вақти, шарти ва муддатини жиддий ҳолда келишиб олиш ва бу келишувга қатъий риоя қилиш, зарур ҳолларда чекловлар ўрнатиш;

3) уяли алоқа воситаларидан фойдаланмаётган вақтда уларни болалардан камида 20 см, кечаси эса 3 м масофа узоқликда бўлишини назорат қилиш ва болаларга уқтириш;

4) болаларга компьютер ва уяли алоқа телефонларида жойлаштирилган ўйинларнинг шунчаки вақтичоғлик учун бармоқ ҳаракатлари билан механик ўйналадиган эмас, балки фақат хотира ва мантиқий фикрлаш билан боғлиқ бўлган ўйинларни тавсия этиш ва бу жараёнда болаларнинг вақт режимларини назорат остига олиш;

5) фарзандларининг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда интернетдаги фаолиятларини жиддий назорат қилиш учун вақт ва имконият ажратиш;

6) болаларнинг ўз вақтида билим олиши, спорт билан шуғулланиши, овқатланиши ва дам олишлари учун шароитлар яратиш.

Қолаверса, оила даврасида ёшларнинг келажаги, ўзбекистонлик фан арбоблари, санъат ва спорт усталари, миллий ва диний урф-одатлар, чет эл ёшларининг ҳаёти, ижтимоий сайтларнинг болалар тарбиясига таъсири каби мавзуларда кичик суҳбатлар уюштириш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Адабиётлар

1. *Урманцева А.* Опасная связь: ученые доказали вредность мобильных телефонов для детей [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://iz.ru/917164/anna-urmantceva/opasnaia-sviaz-uchenye-dokazali-vrednost (дата обращения: 21.05.2020).

2. BBC NEWS. Излучение от смартфонов: насколько это опасно и как себя защитить? [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://www.bbc.com/russian/features-43226267 (дата обращения: 20.01.2020).

3. Green.obob.tv. Излучение: смартфон вашего ребенка приносит ему больше вреда, чем пользы [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: http://green.obob.tv/izluchenie-smartfon-vashego-rebenka-pr/ (дата обращения: 20.01.2019).

4. *Коробатов Я.* Почему Стив Джобс запрещал своим детям айфоны [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://www.kp.ru/daily/ 26297/3175415/ (дата обращения: 15.01.2020)

5. *Краснокутский Д.Н.* Молодежь и социальные сети Интернета: теоретико-прикладной анализ. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://cyberleninka.ru/article/n/molodezh-i-sotsialnye-seti-interneta-teoretiko-prikladnoy-analiz (дата обращения: 15.01.2019)

6. Ptarh. 2019: Тенденции и Статистика в социальных сетях. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://ptarh.com/smm/2019-tendentsii-i-statistika-v-sotsialnyh-setyah/ (дата обращения: 21.05.2019)

7. *Курносова Е.* Социальные сети в цифрах. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: http://mediascope.net/upload/iblock/f97/ Mediascope_Екатерина Курносова_РИФ+КИБ%202019.pdf (дата обращения: 18.04.2019)

8. Президент бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. [Интернет манба]. URL: https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi. (Мурожаат этилган сана: 01.04.2020)

9. *Каримов И.А.* Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 108 б.

10. *Голоманчук Е., Васильева И.* Интернет и социальные сети: их плюсы, минусы и последствия в развитии человечества. [Интернет ресурс]. Режим доступа: URL: https://cyberleninka.ru /article/n/internet-i-sotsialnye-seti-ih-plyusy-minusy-i-posledstviya-v-razvitii-chelovechestva. (дата обращения: 01.02.2020)

THE INFLUENCE OF MODERN COMMUNICATIONS ON YOUTH EDUCATION

N.A.Otakhanov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Researches. 2020. 2 (46). 59 – 65.

[1]Namangan State University, Namangan, 160119 str. Uuchi, 316(Uzbekistan).E-mail:info@namdu.uz

Keywords: *youth, education, mobile communications, Internet, social sites, SMS, Western culture, destructive influence, immunity.*

The 21st century is considered to be the information age, the development of new computer technology, information and communication technology, cellular communications and all kinds of applications for them is developing rapidly. According to statistics, the main users of these communications and applications are the young people aged 12 to 24. Today, the most popular and popular applications are the Internet and social networks.

More and more people have an acute need for information. Cellular communications have become the most affordable universal source of fast and reliable information, as well as communication and entertainment.

For this reason, cellular communication has been used daily and for a long time by modern young people. This article discusses and conducts the analysis of the negative impacts on the physical, educational and spiritual development of children of the prolonged and inappropriate use of the younger generations of modern cellular communications and social sites.

The uncontrolled use of cellular communications by children every day and for a long time causes enormous damage to the health of these children, in addition, it negatively affects their world outlook, upbringing and spiritual life.The author draws the attention of readers to the fact that parents persistently try not to notice this. For this reason, this article compares parents who gave their children modern means of communication and who do not control their use with Afandi, who cuts the branch on which he himself sits.

It is known that social sites have become an arena for the dissemination of elements of Western culture, aimed at the growing generation, which make up the main audience of these sites. Some widespread features of this culture are described that do not correspond to our national and spiritual traditions. In the current situation, it is required to form and develop an information culture of children to protect them from the harmful effects of these sites and to respond in a timely manner and do everything possible to carry out five ini-

tiatives of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev.

The article used materials from reliable sources and the opinions of famous scientists and research companies studying the negative effects of cellular communications on the health of the younger generation, as well as personal observations and conclusions of the author.

The article concludes with a series of recommendations for protecting children from such harmful influences.

References

1. Urmanceva, A. *Opasnaia sviaz: uchenye dokazali vrednost' mobil'nyh telefonov dlya detej* [Dangerous connection: teaching proved the harmfulness of mobile phones for children]. [Online] Available from: https://iz.ru/917164/anna-urmantceva/opasnaia-sviaz-uchenye-dokazali-vrednost (Date of Access: 21.03.2020).

2. BBC NEWS. *Izluchenie ot smartfonov: naskol'ko eto opasno i kak sebya zashchitit?* [Radiation from smartphones: how dangerous is it and how to protect yourself?]. [Online] Available from: URL: https://www.bbc.com/russian/features-43226267 (Date of Access: 20.01.2020).

3. Green.obob.tv. Izluchenie: smartfon vashego rebenka prinosit emu bol'she vreda, chem pol'zy [Green.obob.tv. Radiation: your child's smartphone does more harm than good]. [Online] Available from: URL: http://green.obob.tv/izluchenie-smartfon-vashego-rebenka-pr/ (Date of Access: 20.01.2019).

4. Korobatov, Y. Pochemu Stiv Djobs zapreshchal svoim detyam ayfony [Why Steve Jobs forbade iPhones to his children]. [Online] Available from: URL: https://www.kp.ru/daily/ 26297/3175415/ (Date of Access: 15.01.2020)

5. Krsanokutskiy, D.N. Molodej' i socialnye seti Interneta: teoretiko-prikladnoj analiz. [Youth and social networks of the Internet: theoretical and applied analysis]. [Online] Available from: URL: https://cyberleninka.ru/article/n/molodezh-i-sotsialnye-seti-interneta-teoretiko-prikladnoy-analiz (Date of Access: 15.01.2019)

6. Ptarh. 2019: Tendencii i statistika v social'nyh setyah [Trends and statistics on social networks]. [Online] Available from: URL: [https://ptarh.com/smm/2019-tendentsii-i-statistika-v-sotsialnyh-setyah/ (Date of Access: 21.05.2019)

7. Kurnosova, E. Social'nye seti v cifrax [Social networks in numbers]. [Online] Available from: URL: http://mediascope.net/upload/iblock/f97/ Mediascope_Екатерина Курносова_ РИФ+КИБ% 202019.pdf (Date of Access: 18.04.2019)

8. Prezident beshta muhim tashabbusni ilgari surdi. [President puts forward 5 important initiatives]. [Online] Available from: URL: https://kun.uz/news/2019/03 /20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi. (Date of Access: 01.04.2020)

9. Karimov, I.A. (2008) *Yuksak ma'naviyat-yengilnas kuch* [High spirituality - invincible power]. Tashkent: Ma'naviyat.

10. Golomanchuk, E., Vasikeva, I. Internet i social'nye seti: ih plyusy, minusy i posledstviya v razvitii chelovechestva. [Internet and social networks: their pros, cons and consequences in the development of mankind]. [Online] Available from: URL: https://cyberleninka.ru /article/n/internet-i-sotsialnye-seti-ih-plyusy-minusy-i-posledstviya-v-razvitii-chelovechestva. (Date of Access: 01.02.2020)

Муаллиф ҳақида маълумот:

Отаханов Нурилло Абдумаликович – Наманган давлат университети Амалий математика кафедраси профессори, педагогика фанлари номзоди. E-mail: otaxanov.nurillo@list.ru